

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕМИРОВ ЎКТАМ ШАВКАТОВИЧ**

**ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ВА МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ  
ФОСФОРИТЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ОРГАНОМИНЕРАЛ  
ЎҒИТЛАР ОЛИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР ВА ЮҚОРИ  
САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
11.00.05 – Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Темиров Ўктам Шавкатович**

Чорвачилик, паррандачилик ва Марказий Қизилқум фосфоритлари чиқиндилари асосида органоминерал ўғитлар олишнинг ресурстежамкор ва юқори самарали технологияларини ишлаб чиқиш..... 3

**Темиров Уктам Шавкатович**

Разработка ресурсосберегающих и высокоэффективных технологий получения органоминеральных удобрений на основе отходов животноводства, птицеводства и фосфоритов Центральных Кызылкумов..... 29

**Temirov Uktam Shavkatovich**

Development of resource-saving and highly efficient technologies for obtaining organomineral fertilizers based on animal husbandry waste, poultry farming and phosphorites of the Central Kyzylkum ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
 List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕМИРОВ ЎКТАМ ШАВКАТОВИЧ**

**ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ВА МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ  
ФОСФОРИТЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ОРГАНОМИНЕРАЛ  
ЎҒИТЛАР ОЛИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР ВА ЮҚОРИ  
САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
11.00.05 –Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.DSc/T335 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим парталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Намазов Шафоат Саттарович**  
техника фанлари доктори, академик

**Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Эркаев Ақтам Улашевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Музафаров Амрулло Мустафаевич**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Умид Мухтаралиевич Турдиалиев**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «9» ноябрь 2022 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2022 йил «25» октябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «25» октябрдаги № 23 рақамли реестр баённомаси).



**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**А.Р.Сейтназаров**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ер ресурслари махсулдорлигини оширишда, экологик ҳолатни яхшилашда ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда юқори агрокимёвий самарадорликка эга бўлган гумусли ўғитлар (ГЎ) алоҳида ўрин тутади. ГЎ қўлланилганда тупроқлар унумдорлиги ва экологияси яхшиланади, минерал ўғитлар самарадорлиги ошади ва қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконияти яратилади. Бу ўринда чорвачилик, паррандачилик, саноат чиқиндилари ва минерал ресурсларни сифатли ГЎ қайта ишлашни экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда келиб чиқиши ўсимликларга оид бўлган органик моддалар, саноат чиқиндилари, минерал хом ашё ресурслар асосида юқори агрокимёвий самарага эга бўлган ГЎ, ўсимликларни ривожлантириш стимуляторлари, мелиорантлар, гидропоника маҳсулотлари олишни экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ўринда, чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини ГЎ қайта ишлашда улардан атмосферага ажралиб чиқадиган зарарли моддалар миқдорини камайтиришга; фосфорит хом ашёларини (ФХ) фосфор-гумусли ўғитларга қайта ишлашда паррандачилик ва чорвачилик чиқиндиларидан фойдаланиб ГЎ олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш; паррандачилик ва чорвачилик чиқиндиларидан фойдаланиб фосфогипсни (ФГ) сульфат аммоний ва гумат кальцийга конверсияланишини мақбул шароитларини аниқлаш; чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, ФХ ва турли минерал ўғитлардан фойдаланиб таркибида гумус моддаларидан ташқари макро ва микроэлементлар тутган комплекс ГЎ олишни мақбул шароитларини аниқлаш; кўшилаётган моддаларни органик моддаларни гумификацияланишига таъсирини аниқлаш; ФХ, ФГ ва минерал кислоталардан фойдаланиб паррандачилик чиқиндиларини тезкор ГЎ қайта ишлашни экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда нокондицион фосфоритлар (НФ), чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, ФГ ва турли агрорудалар асосида юқори агрокимёвий самарага эга бўлган турли ГЎ олишни экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқишга ва уларнинг ўсимлик ўсиши ва ривожланиши бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб НФ, чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, ФГ ва турли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

агрорудалар асосида юқори агрокимёвий самарага эга бўлган турли ГЎ олишни экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ 3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини тезкор ривожлантириш бўйича чоралари тўғрисида» ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>** Келиб чиқиши ўсимликларга оид органик моддалар, чорвачилик, паррандачилик ва саноат чиқиндилари, минерал хом ашё ресурслари, агрорудалар асосида тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берадиган ГЎ, мелиорантлар олишга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан American Colloid Companu, Concho Petroleum Co, Scientific and Applied Processes Pty., Ltd, American Humates Inc (АҚШ), Kogyo gidzyutsu intyo, Kamishimo Kagaku Kogyo Kabushiki Kaisha, Hunnon dzyukagaku koge k.k., Nihon kabayto kogyo Kabushiki Kaisha (Япония), Indian Institute of Technology (Ҳиндистон), Iran University of Science and Technology (Эрон), Oesterreichisch-Alpine Montangesellschaft, Simmering-Graz-Panker AG fur Maschinen, Kessel und Waggonban (Австрия), Ўғитлар ва инсектофунгицидлар институти (Россия), Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида НФ, ФГ, келиб чиқиши ўсимликларга оид органик ресурслар, чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари асосида ГЎ олишга оид қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: паррандачилик чиқиндилари органик қисмини анаэроб шароитда микробиологик деструкциялаш йўли билан қайта ишлашни

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.fipr.state.fl.us>; <https://www.dobersek.com/ru>; <http://www.ins.pulawy.pl>; <http://en.ustc.edu.cn>; <http://www.chemistry.or.jp/en>; <http://dmpe.aut.ac.ir>; <http://www.chemistry.iitkgp.ac.in>; <http://www.just.edu.jo>; <http://www.niuf.ru>; <https://spb.ucheba.ru>; <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

энергиятежамкор чиқиндисиз технологияси ишлаб чиқилган (Саратов Давлат аграр университети Россия); қора мол гўнги (ҚГ), парранда чиқиндиси (ПЧ), қоғоз майдаси, ўрмон хўжалиги чиқиндиларини биоферментациялаш йўли билан тезкор органик ўғитларга қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида агроинженер ва экологик муаммолар институти Россия (ИАЭП)); ўсимликлар қолдиқларини органик ўғитга қайта ишлаш технологияси (California Organic Fertilizers, Inc), органик чиқиндига 0,3-0,6 к/кг тош майдаси, 0,02-0,05 кг табиий фосфат, тупрок, сульфат, оҳак тутувчи минераллар кўшиш йўли билан биоўғит олиш усули ишлаб чиқилган (Хиндистон технологиялар институти, Бомбей), таркибида гумин кислотаси (ГК) бўлган азот-гумусли ўғит олиш усули яратилган (American Colloid Company, АҚШ), лигнинни аммоний гидроксид билан таъсирлаштириб ўсимликларни ўстирувчи донатор стимулятор олиш усули яратилган (Concho Petroleum Co, АҚШ).

Дунёда келиб чиқиши ўсимликларга оид органик чиқиндилар, чорвачилик, паррандачилик, саноат чиқиндилари ва минерал хом ашё ресурслари асосида ГЎ, мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: келиб чиқиши ўсимликларга оид органик чиқиндиларни гумус моддаларига айлантириш шароитларини аниқлаш; чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларини ФХ, бентонит, вермикулит, ФГ иштирокида ГЎ қайта ишлашни экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқиш; паррандачилик чиқиндиларини атроф муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида минерал кислота ва ФХ иштирокида тезкор қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий техник адабиётларда чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, ўсимликлар қолдиқлари ва ушбу органик ресурсларга ФХ, ФГ, бентонит ва бошқа минерал кўшимчалар иштирокида қайта ишлаб, шунингдек ПЧ термик, биологик ва кимёвий қайта ишлаб ГЎ олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлар ва амалий натижалар кенг ёритилган. Жаҳон миқёсида М.А. Каровкин, А.В.Лазурский, И.И.Самайлов, И.С.Белюченко, О.А. Мельник, Д.А.Славгородская, Г.М. Нисанбаева, В.Н. Гукалов, И.В.Синявский, А.В. Казанцев, Попов В.Н., Корнеева О.С., Искусних О.Ю., Башкиров В.Н, М.С.Манна, А.Субра Рао ва бошқа олимлар ҚГ, ПЧ ва бошқа гумус табиатли органик ресурслар асосида ГЎ олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда чорвачилик чиқиндилари, турли гумус табиатли хом ашё манбалари ва ФХ фойдаланиб ГЎ олиш технологияларини ишлаб чиқиш тадқиқотлари билан А.Т. Таджиев, Д.Т.Забрамний, Н.И. Победенцова, Ш.С.Намазов, Б.М.Беглов, Мелников Л.Ф. ва бошқалар шуғулланган.

Аммо чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини ФХ иштирокида қайта ишлаб ФХ таркибидаги фосфорни ўсимлик ўзлаштира олмайдиган шаклдан ўзлаштира оладиган шаклга ўтказиш, ҚГ ва ПЧ органик қисмини

гумус моддаларига айлантириш, газ фазага аммиак ва органик моддаларни ажралиб чиқишини камайтириш, фосфогипсни ҚГ ёки ПЧ ёрдамида қайта ишлаш жараёнида кальций сульфатни сульфат аммоний ва гумат кальцийга конверсияланиши, шунингдек, органик моддаларни гумификацияланишига ва газ фазага ажралиб чиқадиган моддалар миқдорида ФГ таъсирини аниқлаш, ПЧ фосфогипс иштирокида аммиак ёрдамида нейтраллаганда ФГ конверсияланишини аниқлаш; ПЧ минерал кислота билан нордонлаштириш ва нордонлашган махсулот билан ФХ қайта ишлаб донлаштирилган ГЎ олиш, паст меъёрада нитрат ёки сульфат кислота билан фаоллаштирилган ФХ билан ПЧ қайта ишлаб ГЎ олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-ФА-2019-36 «Маҳаллий минерал хом ашё ресурслари асосида органик-минерал ўғитлар олиш технологиясини яратиш» (2019-2022 йй.) амалий лойиха ва ИЗ-2020052114 “Маҳаллий хом ашёлар асосида органик ва мураккаб ўғитлар олишнинг жадаллашган технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тошқинидан зарар кўрган ҳудудлар тупроқ унумдорлигини қайта тиклашда қўллаш” мавзусидаги (2021-2022 йй.) инновацион лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари ФГ ва ФХ органик минерал ва комплекс ўғитларга қайта ишлашни экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари асосида ГЎ олиш жараёнига ФХ киритилишини органик моддаларни гумификацияланиш даражасига, кинетикасига, газ фазага аммиак ва органик моддаларни ажралиб чиқишига таъсирини, шунингдек гумификацияланиш жараёнида ҳосил бўлаётган органик кислоталарни ФХ фаоллашувига таъсирини аниқлаш;

ҚГ, ПЧ органик қисмини гумус моддаларга айланишига, ўзлашувчан шаклдаги фосфор миқдори ортишига, рН, аммиак ва органик моддалар миқдорини ўзгаришига, ФГ, турли минерал ўғитлар таъсирини аниқлаш;

минерал кислоталарда фаоллаштирилган ФХ (ФФХ), ҚГ, ПЧ асосида ГЎ олиш жараёнларини ўрганиш;

ҚГ, ПЧ ва ФГ асосида ГЎ олиш жараёнида ФГ сульфат аммонийга ва гумат кальцийга конверцияланиш даражасини ва мақбул шароитларни аниқлаш;

ФГ ни ПЧ иштирокида аммиак ёрдамида нейтраллаш йўли билан ГЎ олиш жараёнларини ўрганиш;

ҚГ, ПЧ асосида олинган органик ўғитлардан ажратиб олинган сувли ва ишқорли экстрактлар билан фосфоритларни ўзаро таъсирлашув жараёнларини тадқиқ этиш;

чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, ФХ ва ФГ асосида ГЎ олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

нитрат ва сульфат кислота ёрдамида ПЧ нордонлаштириш, нордонлаштирилган ПЧ билан фосфоритларни қайта ишлаш йўли билан таркибида азот, фосфор ва гумус моддалари бўлган ўғит олиш;

минерал кислоталарда паст меъёردа фаоллаштирилган фосфорит маҳсулотини ПЧ ёрдамида қайта ишлаш асосида мураккаб гумусли ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш;

ГЎ олиш технологияларини йириклаштирилган лаборатория ва саноат-тажриба қурилмаларида синовдан ўтказиш ва маҳсулотларни тажриба партияларини олиш;

ГЎ ишлаб чиқаришнинг моддий балансини тузиш ва технологик тизимини тавсия этиш, мақбул режимини аниқлаш;

таклиф этилаётган ўғитларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни агрокимёвий синовини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида фосфорит уни (ФУ), минераллашган масса (ММ), шламли фосфорит (ШФ), ФГ, ҚГ ва ПЧ, органик ўғитдан ажратиб олинган экстрактлар, минерал кислоталарда нордонлаштирилган ПЧ, нитрат кислота ва сульфат кислотада парчаланган фосфорит маҳсулотлари, ГК, ГЎ олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** фосфорит уни, ММ, ШФ, ҚГ ва ПЧ ГЎ қайта ишлаш жараёнлари, ФГни ҚГ ва ПЧ иштирокида конверсиялаш жараёнлари, ПЧ минерал кислотада парчаланган фосфоритлар ёрдамида тезкор қайта ишлаш жараёнлари ва ГЎ олишни мақбул шароитларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кимёвий, физик-кимёвий, ИҚ-спектроскопия, рентгенографик, масс-спектроскопик ва хроматографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари ва ФХ асосида ГЎ олиш жараёнида ҚГ, ПЧ таркибидаги органик кислоталар фосфоритлар билан таъсирлашуви натижасида фосфорни ўзлашувчан шакли ортиши, фосфоритлар ҳисобига эса аммиакни ва органик моддаларни газ фазага ажралиб чиқишини камайиши, органик моддаларни гумификацияланиш даражасини ортиши асосланган ва ФХ, ҚГ, ПЧ асосида ГЎ олиш жараёнларини мақбул шароитлари аниқланган;

компостлаш йўли билан етилтирилган ҚГ ажратиб олинган экстрактлар билан ФХ ва ФГ таъсирлашишини ўрганиш натижалари асосида фосфорни ўзлашувчан шаклини ортиши ва ФГ конверсияланиш даражаларини экстракт таркибидаги органик кислоталар миқдorigа ва сифат таркибига боғлиқлиги аниқланган;

ФГ ни ҚГ ёрдамида қайта ишлаш жараёнида кальций сульфатни гумат кальцийга ва сульфат аммонийга конверсияланиши ва ФГ қўшилиши ҳисобига аммиак ва органик моддаларни газ фазага ажралиб чиқишини

камайиши асосланган;

ФГ ни ПЧ иштирокида аммиак билан аммонизациялаш йўли билан таркибида аммоний сульфати, гумат кальций тутган ГЎ олишни, нитрат ва сульфат кислотада ПЧ нордонлаштириш ва нордонлаштирилган ПЧ билан ФХ қайта ишлаб тезкор ГЎ олишни ва сульфат кислотада паст меъёрда фаоллаштирилган махсулотини ПЧ ёрдамида қайта ишлаш асосида ГЎ олишни мақбул параметрлари аниқланган, фосфорни ўзлашувчан шаклга ўтиш ва ФГ конверсияланиш даражасини гумус моддалар миқдорига ва органик моддаларни гумификацияланиш даражасига боғлиқлиги асосланган;

ФХ, ФГ ни қайта ишлашда ҚГ ва ПЧ фойдаланиш самаралилиги ва экологик хавфсизлиги комплекс баҳоланиб, агрокимёвий самарали, экологик хавфсиз ўғитлар олишни мақбул режимлари аниқланган ва технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ФХ, ФГ ни ҚГ ва ПЧ билан компост тайёрлаш, нитрат ёки сульфат кислотада нордонлаштирилган ПЧ билан фосфоритларни қайта ишлаш, ФХ сульфат кислотада паст меъёрда фаоллаштирилган махсулотини ПЧ ёрдамида қайта ишлаш, ФГ аммиак билан ПЧ иштирокида қайта ишлаш асосида агрокимёвий самарали ГЎ олишнинг экологик хавфсиз технологиялари ишлаб чиқилган;

янги турдаги ГЎ ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ҳисобланган, технологик тизими ишлаб чиқилган ва жараёнларни мақбул технологик параметрлари ўрнатилган;

ГЎ олиш технологияларининг синовлари “Навоий кон-металургия комбинати жамғармаси” Давлат муассасининг “Дўстлик” агрофирмасида ўтказилган, янги турдаги ГЎ тажриба партиялари ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий, физик-кимёвий таҳлил натижалари, лаборатория тажрибалари, тажриба-саноат ва агрокимёвий синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҚГ ва ПЧ ни ГЎ қайта ишлашда ФХ ва ФГ фойдаланиб газ фазага ажаралиб чиқадиган аммиак ва органик моддалар миқдорини камайтириш, органик моддаларни гумификацияланиш даражасини ошириш, шунингдек фосфатларни органик кислоталар таъсирида фаоллаштириш, ФГ гумат кальцийга ва сульфат аммонийга конверсиялаш, нитрат кислотада ПЧ нордонлаштириш ва нордонлаштирилган ПЧ билан ФХ қайта ишлаш; ФХ сульфат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган махсулотини ПЧ ёрдамида қайта ишлаш; ФГ ПЧ иштирокида аммиак билан қайта ишлаб конверсиялаш; органик ўғитлардан ажратиб олинган экстрактлар билан фосфатларни ва ФГ ўзаро таъсирлашуви, ФХ, ФГ, ҚГ, ПЧ асосида ГЎ олиш жараёнларини системалаштирилган илмий, кимёвий, физик-кимёвий, технологик, агрокимёвий тадқиқотларини ўтказиш ва асосий қонуниятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ФХ, ФГ, ҚГ, ПЧ асосида ГЎ олиш жараёнларида газ фазага аммиак ва органик моддаларни ажралиб чиқишини камайтиришга, ФХ, ФГ қайта ишлашда ҚГ ва ПЧ органик қисмини чириши жараёнида ҳосил бўладиган органик кислоталар энергиясидан фойдаланишга шунингдек қишлоқ хўжалигида қўлланилганда ўсимликлар учун озуқа моддаларининг фойдали таъсирини ва тупроқлар унумдорлигини оширишга ва экологияни яхшиланишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ФХ, ФГ, чорвачилик, парандачилик чиқиндилари асосида турли ГЎ олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нитрат кислотада фаоллаштирилган НФ, ҚГ асосида органик минерал ўғитлар олиш технологияси “НКМК жамғармаси” Давлат муассаси “Дўстлик” агрофирмасининг “2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли илмий ишланмалар рўйхати”га киритилган (“НКМК жамғармаси” Давлат муассасасининг 2022 йил 6 июндаги 01-03-01/1375-сон маълумотномаси). Натижада НФ ва ҚГ экологик хавфсиз қайта ишлаб агрокимёвий самарали органик минерал ўғитлар олиш имконини берган;

НФ, ПЧ, нитрат кислота асосида ГЎ олишни жадал ва экологик хавфсиз технологияси “НКМК жамғармаси” Давлат муассаси “Дўстлик” агрофирмасининг “2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли илмий ишланмалар рўйхати”га киритилган (“НКМК жамғармаси” Давлат муассасасининг 2022 йил 6 июндаги 01-03-01/1375-сон маълумотномаси). Натижада агрокимёвий самарадорлиги юқори бўлган органик минерал ўғитлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

НФ, ҚГ ва турли минерал ўғитлар асосида комплекс органик минерал ўғитлар олиш технологияси “НКМК жамғармаси” Давлат муассаси “Дўстлик” агрофирмасининг “2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли илмий ишланмалар рўйхати”га киритилган (“НКМК жамғармаси” Давлат муассасасининг 2022 йил 6 июндаги 01-03-01/1375-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида гумус моддаларидан ташқари меъёрлашаган микдорда азот, фосфор, калийли озуқа моддалари тутган комплекс ГЎ олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Жумладан 14 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари баён қилинган, тадқиқотларнинг объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган мақолалар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Тупроқ унумдорлигида органик моддаларнинг аҳамияти, чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, фосфоритлар ва фосфогипс асосида гумусли ўғитлар”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ҚГ, ПЧ, МҚ НФ ва ФГ тавсифлари, уларни ўғитларга қайта ишлаш усуллари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти келтирилган. Чорвачилик фермалари чиқиндилари, НФ ва ФГ фойдаланиш муаммоларининг турли жихатлари кўриб чиқилган. Чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини фосфоритлар, ФГ ва агрорудалар билан биргаликда ГЎ қайта ишлашнинг экологик мақбуллигини тавсифловчи маълумотлар келтирилган. Адабиётлар таҳлили чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, НФ ва ФГ асосида ГЎ олиш технологияларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатган.

Диссертациянинг **“Марказий Қизилқум фосфоритлари, қорамол гўнги, парранда чиқиндиси асосида органик минерал ўғитлар”** номли иккинчи бобида тадқиқот объектларини тавсифлари, тажриба ва синовларда қўлланилган таҳлил усуллари келтирилган, ҚГ, ПЧ асосида ФХ кўшиб ОМЎ олиш жараёнлари баён этилган, шунингдек ҚГ, ПЧ, ФХ ва ФГ асосида ОМЎ олиш жараёнларини физик-кимёвий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

ГЎ олиш жараёнларини ўрганиш учун органик хом ашё сифатида қуйидаги таркибга эга бўлган (%): намлик - 73,21; кул - 4,32; органик моддалар – 22,56; ГК – 2,58; фульвокислоталар (ФК) – 2,67; сувда эрувчан органик моддалар (СЭОМ) – 2,52; эримайдиган органика – 14,79; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> – 0,18; N – 0,43; K<sub>2</sub>O – 0,58; СаО – 0,4 ҚГ ва қуйидаги таркибга эга бўлган (%): намлик – 64,78; кул – 11,29; органик моддалар - 23,93; ГК – 1,04; ФК – 7,27; СЭОМ – 1,28; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> – 1,25; N – 0,95; K<sub>2</sub>O – 0,74; СаО – 1,55 ПЧ фойдаланилди.

**Жадвал 1**

**Марказий Қизилқум фосфоритларининг кимёвий таркиби**

ФХ турлари	Компонентлар таркиби, %									P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>ўзл.</sup> P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>сум.</sup> %	СаО/ P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	СаО	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	MgO	F	CO <sub>2</sub>	SO <sub>3</sub>	Н.О.		
ММ	14,33	43,02	1,18	1,38	1,19	1,85	14,70	2,22	13,23	9,01	3,0
ШФ	11,57	41,08	1,84	1,42	0,61	1,52	20,91	0,46	14,9	11,50	3,55
ФУ	17,76	47,51	0,95	0,73	1,79	2,0	17,02	3,27	5,27	17,74	2,67

ФХ сифатида МҚ фосфорит уни, ММ ва ШФ фойдаланилган. ММ ва ШФ МҚ фосфоритли рудаларини бойитиш жараёнининг чиқиндиси

ҳисобланади. ММ фосфатли рудани куруқ саралашда ҳосил бўлади, ШФ эса хом ашёни хлордан ювишда ҳосил бўлади. ФХ ни қўллашдан олдин заррачаларининг ўлчами 0,25 мм бўлгунга қадар майдаланилди. ФХ таркиби 1-жадвалда келтирилган.

Кимёвий, хроматографик, масс-спектроскопик ва рентгенографик усуллар билан ҚГ, ПЧ ва ФХ таркиби ва хоссаларини ўрганиш натижалари ҚГ ва ПЧ тирик организмларда учрайдиган ва ўсимлик организмларида муҳим функцияларни бажарувчи аминокислоталарнинг деярли барча спектрлари мавжудлигини, ҳамда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарурий бўлган бир қатор микроэлементлар мавжудлигини кўрсатди. Қизилқум фосфоритлари тавсифларига кўра ОМУ га қайта ишлашга тўла мос келиши аниқланди.

ФХ қўшилган ҚГ, ПЧ асосидаги компостлар дастлабки компонентларнинг кенг оралиғидаги оғирлик нисбатларида тайёрланди. Олинган аралашмалар хажми 3,0 л бўлган идишларга жойлаштирилди. Тайёрланган аралашмага умумий намлик 70% бўлиши ҳисобидан келиб чиқиб сув қўшилди. Аралашманинг устига юпқа қатлам тупроқ сепилди. Ҳар 15 кунда намуналар олинди ва компостларнинг кимёвий таҳлили ўтказилди.

Натижалар органик чиқиндилар фосфоритларни фаоллаштиришини, яъни ўзлашмайдиган шаклдаги  $P_2O_5$  ни ўсимликлар учун ўзлашувчан шаклга ўтказишини кўрсатди. Ўрганилган нисбатларда компостда ФХ масса улушини ортиши маҳсулотларда  $P_2O_{5\text{умум}}$  ва  $CaO_{\text{умум}}$  миқдорларини 0,48 дан 2,59 гача ва 1,77 дан 6,90% гача оширди. Компостлаш вақти ортгани сари фосфорнинг ўзлашувчан шаклга ўтиш даражаси ҳам ошди. Агар ҚГ : ФХ = 100 : 10 масса нисбатида 15 суткадан сўнг  $P_2O_5$  нинг трилон Б ва лимон кислотаси бўйича ўзлашувчан шаклини нисбий миқдори 32,74 ва 23,89% ни ташкил қилса, 30-суткадан сўнг бу кўрсаткичлар 39,82 ва 30,97% га тенг бўлди, 60 суткадан сўнг 52,21 ва 46,02 %, 90 суткадан сўнг эса 56,64 ва 53,10% гача кўтарилган (2-жадвал). Яъни компостлаш давомийлигини маълум бир вақтгача ортиши билан фосфорнинг ўсимликлар учун ўзлашувчан шаклга ўтиш даражаси ҳам аста секин ортиб борди.

Шунингдек компостларда ГК, ФК ва СЭОМ миқдорларини ўзгаришини дастлабки моддалар масса нисбатларига ва етилтириш вақтига боғлиқлиги аниқланди. Компостлаш давомийлиги ортиши билан гўнг фосфоритли компостларда ГК, ФК ва СЭОМ миқдорлари ортиб бориши аниқланди. Агар, гўнг : ФХ = 100 : 2 нисбатида 15 сутка давомида компостдаги ГК, ФК ва СЭОМ миқдори мос равишда 2,50%, 2,60%, 2,41% бўлса, 30 кундан сўнг 2,76%, 2,86%, 2,65 %, 60 суткадан сўнг 3,33 %, 3,43%, 3,18%, 90 суткадан сўнг 3,58 %, 3,70%, 3,41% ташкил этди. Компостларда азот ва органик моддалар камайишини дастлабки моддалар масса нисбатига ва етилтириш вақтига боғлиқлиги 1-расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики ФХ масса улуши ортиши билан азотни йўқолиши сезиларли камаймоқда. Гўнг : ММ масса нисбати 100 : 2 дан 100 : 25 гача ўзгаришида азотнинг йўқотилиши 28,67 дан 13,26 % гача камайган, органик моддалар йўқолиши эса 28,67 дан


Жадвал 2

**Қорамол гўнги ва фосфорит уни асосида тайёрланган компостларда умумий ва ўзлашувчан шаклдаги фосфор ва кальций миқдорларини ўзгаришини дастлабки моддалар масса нисбатига ва етилтириш вақтига боғлиқлиги**

Қорамол гўнги : фосфорит уни масса нисбатлари	$P_2O_{5ум}$ , %	$P_2O_{5ўзл.}$ 2% лим. к-таси бўйича (%)	$P_2O_{5ўзл.}$ 2% лим.к. б. / $P_2O_{5ум}$ , 100%	$P_2O_{5ўзл.}$ Тр.Б бўйича, (%)	$P_2O_{5ўзл.}$ Тр.Б. б. / $P_2O_{5ум}$ , 100%	$CaO_{ум}$ , %	$CaO_{ўзл.}$ 2% лим. к-таси бўйича. (%)	$CaO_{ўзл.}/$ $CaO_{ум}$ , 100%
15 суткадан сўнг								
100 : 0	0,22	0,05	22,57	0,05	23,89	0,47	0,14	29,24
100 : 2	0,43	0,13	28,94	0,17	38,89	1,13	0,71	62,50
100 : 5	0,90	0,24	26,39	0,31	34,67	2,54	1,56	61,49
100 : 10	1,37	0,34	24,67	0,44	32,46	3,92	2,35	60,04
100 : 16	1,96	0,44	22,37	0,59	30,06	5,65	3,31	58,60
100 : 21	2,30	0,48	20,62	0,67	29,17	6,68	3,89	58,21
100 : 25	2,53	0,50	19,75	0,71	27,96	7,38	4,27	57,93
30 суткадан сўнг								
100 : 0	0,23	0,06	26,32	0,06	28,42	0,50	0,16	31,72
100 : 2	0,44	0,16	36,60	0,20	45,95	1,16	0,78	67,45
100 : 5	0,91	0,33	35,64	0,41	44,74	2,58	1,72	66,40
100 : 10	1,38	0,45	32,61	0,55	40,00	3,98	2,57	64,58
100 : 16	1,98	0,60	30,30	0,71	35,76	5,71	3,60	63,03
100 : 21	2,32	0,66	28,61	0,79	34,20	6,74	4,19	62,16
100 : 25	2,54	0,70	27,52	0,83	32,55	7,42	4,56	61,44
60 суткадан сўнг								
100 : 0	0,25	0,10	39,19	0,10	40,95	0,55	0,24	42,84
100 : 2	0,47	0,26	56,09	0,30	64,10	1,23	0,95	77,25
100 : 5	0,96	0,49	50,78	0,58	60,00	2,70	2,04	75,49
100 : 10	1,43	0,69	48,14	0,74	52,10	4,09	2,99	72,97
100 : 16	2,03	0,89	43,76	0,94	46,15	5,84	4,20	71,91
100 : 21	2,36	0,94	39,66	1,02	43,15	6,86	4,85	70,71
100 : 25	2,57	0,98	37,97	1,03	40,19	7,53	5,26	69,82
75 суткадан сўнг								
100 : 0	0,26	0,11	43,09	0,12	45,00	0,54	0,27	49,52
100 : 2	0,48	0,29	59,90	0,32	67,50	1,24	0,98	79,42
100 : 5	0,97	0,55	56,58	0,60	61,73	2,74	2,14	78,02
100 : 10	1,44	0,76	52,95	0,79	55,00	4,13	3,16	76,42
100 : 16	2,04	0,99	48,41	1,00	48,82	5,89	4,38	74,39
100 : 21	2,38	1,05	44,19	1,08	45,45	6,89	5,04	73,14
100 : 25	2,58	1,08	41,67	1,09	42,33	7,55	5,48	72,62
90 суткадан сўнг								
100 : 0	0,26	0,12	46,40	0,13	48,18	0,54	0,29	52,62
100 : 2	0,48	0,30	62,50	0,34	70,00	1,77	1,49	84,18
100 : 5	0,97	0,58	59,16	0,61	62,96	2,01	1,66	82,59
100 : 10	1,44	0,80	55,56	0,82	56,67	3,45	2,73	79,13
100 : 16	2,04	1,04	50,86	1,02	50,00	4,85	3,70	76,29
100 : 21	2,38	1,10	46,30	1,10	46,46	5,90	4,40	74,58
100 : 25	2,59	1,15	44,37	1,14	43,98	6,90	5,02	72,75

13,26 % гача камайган. Компостлаш жараёнида азотли ва органик моддалар газ фазага ажралиб чиқишини камайиши аммиак ва органик моддаларни ФХ

парчаланиш махсулотлари яъни  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$  ва  $\text{CaHPO}_4$  билан ўзаро таъсирлашуви натижасида содир бўлади. Шунингдек, гўнг органик қисмини ГМ га айланиш кинетикасига ва  $\text{P}_2\text{O}_5$  нинг ўзлашувчан шаклини ортишига харорат ва компостлар намлигини таъсирини ўрганилди. Намлик ва хароратнинг камайиши билан олинган махсулотларда фосфор ўзлашувчан шаклини nisбий миқдори ва гумус моддалари миқдори ҳам камайди.



**1-расм. Компостларда азот ва органик моддалар камайишини дастлабки моддалар масса nisбатига боғлиқлиги.**

ПЧ қўлланганда эса фақатгина озукавий моддалар таркиби бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган ўхшаш натижалар олинди. Уч ой давомида этилтирилган компостларда органик моддаларни гумификацияланиш даражаси ҳисобланди. Органик моддалар гумификацияси даражасини ҳисоблашда ГК, ФК ва СЭОМ кўрсаткичларидан фойдаланилди. Натижалар 3-жадвалда келтирилган, аралашмада ФХ масса улуши ортиши билан органик моддалар гумификацияланиш даражаси сезиларли ортмоқда. ҚГ : ФХ ёки ПЧ : ФХ масса nisбати 100 : 2 дан 100 : 25 гача ортганда гумификацияланиш даражасини мос равишда 52,54 дан 62,47 га ва 56,66 дан 72,11% ошди.

**Жадвал 3**

**Этилган компостларда органик моддалар гумификацияланиш даражаси, %**

Дастлабки моддалар масса nisбати	100 : 2	100 : 4	100 : 5	100 : 8	100 : 10	100 : 12	100 : 16	100 : 21	100 : 25
	Гумификацияланиш даражаси, %								
ҚГ ва ФХ асосидаги ўғит	52,54	53,07	54,14	56,01	57,32	58,34	59,31	61,09	62,47
ПЧ ва ФХ асосидаги ўғит	56,66	57,30	58,59	59,94	60,76	62,27	66,19	69,91	72,11

Таъкидлаш керакки, фосфор гумусли ўғитларда  $\text{P}_2\text{O}_5$  ўзлашувчан шаклини интенсив равишда ортиши компостлаш даврининг дастлабки икки

ойида содир бўлди. Сўнг жараён бир оз секинлашади. Агар, 100 : 2 оғирлик нисбатида 15 кундан сўнг фосфорит уни ва ҚГ асосида тайёрланган гўнг-фосфоритли компоста трилон Б бўйича  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  нисбий миқдори бошланғич миқдор 17,74% дан 41,62% гача кўтарилса, 60 суткадан сўнг 66,92% га, 90 суткадан сўнг 71,97% кўтарилади, яъни икки ой компостлаш мобайнида фосфорнинг ўзлашувчан шакли миқдори деярли 4 баробар ошди.

Дастлабки компонентлар мақбул нисбатлари  $P_2O_5$  ўзлашмайдиган шаклдан ўсимликлар учун ўзлашувчан шаклга ўтиш ва органик моддаларни гумификацияланиш даражасига асосан ўрнатилади. Агрокимёвий ва иқтисодий самарадорлик нуқтаий назардан ҚГ (ПЧ) : ФХ мақбул нисбати 100 : 10 хисоблаш мумкин. Ушбу нисбатда ҚГ ва фосфорит унидан фойдаланиб олинган ГЎ куйдаги таркибга эга (%):  $P_2O_{5\text{умум}}$  – 1,44;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  тр. Б бўйича – 0,82;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  лим. кислотаси бўйича – 0,80; ГК - 3,33; ФК – 3,45; СЭОМ – 3,17, умумий органика – 15,17. ПЧ ва фосфорит уни асосида олинган ўғит куйдаги таркибга эга (%):  $P_2O_{5\text{умум}}$  – 2,39;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  трил. Б бўйича – 1,39;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  лим. кислотаси бўйича – 1,34; ГК – 2,53; ФК – 6,03; СЭОМ - 2,01.

ҚГ ёрдамида фосфоритларни фаоллашув механизмини аниқлаш мақсадида махсус тажрибалар ўтказилди. Юқорида таъкидланганидек ҚГ ва ПЧ органик моддаларини гумификацияланишида ҳосил бўладиган ва ФХ парчаланишини таъминловчи, кальций ионларини бир қисмини кальций гуматларига боғловчи моддалар ГК ва бошқа органик кислоталар ҳисобланади. Ушбу жараёнларни аниқлаштириш учун қўшимчаларсиз ҚГ асосида олинган ўғитдан ажратиб олинган ГК ва турли экстрактларни ФХ билан ўзаро таъсирлашуви ўрганилди. Тажрибалар куйидагича олиб борилди. Органик ўғитдан ГК ни ажратиб олиш учун 150 гр намуна олиб 250 мл 0,1 N NaOH эритмаси билан ишлов берилди, сўнгра суюқ фаза қаттиқ фазадан ажратилди, филтратдан эркин ГК ларни қаттиқ фазага чўкиши учун 5% HCl эритмаси билан ишлов берилди. Олинган чўкмани хлор ионларидан тозалаш (сифат реакцияси) учун дистилланган сув билан ювилди, сўнг ўзгармас оғирликкача 70°C да қуритилди. Юқоридаги жараёнлар бажарилгандан сўнг ҳар гал ҳар бир намунадан 3,9-4,1 гр ГК олинди. Экстрактларни олиш учун органик ўғитдан 150 гр намуна олиб, унга 250 мл 0,1 N NaOH эритмаси ва дистилланган сув билан ишлов берилди, сўнг суюқ фазани қаттиқ фазадан ажратилди. Компостни экстракциялашдан сўнг ҳар гал 220 мл филтрат олинди. 4-жадвалда ҚГ асосида олинган органик ўғитдан ажралиб чиққан ишқорий ва сувли экстрактларнинг хроматографик таҳлили натижалари келтирилган. Ишқорий экстракт сувли экстрактдан таркибидаги органик кислоталарнинг фоизи ва сифати билан фарқ қилади, бу ГЎ тавсифида муҳим аҳамиятга эга бўлган ГК ва ФК миқдорларида яққол кўриниб турибди (4-жадвал). ФХ ни ГК, сувли, ҳамда ишқорий экстрактлар билан ўзаро таъсирлашуви куйидагича ўрганилди. Таъсирлашувчи компонентлар ўзаро миқдори бошланғич органик ўғит : ФХ = 100 : (2-10) оғирлик нисбатлари ҳисобидан келиб чиқиб олинди. Тажрибалар натижаси органик ўғит : ФХ = 100 : 10 нисбатда ГК ФХ билан ўзаро таъсирлашувидан кейин трилон Б ва

лимон кислотаси бўйича  $P_2O_{5\text{ўзл.}}$  нинг нисбий миқдори мос равишда дастлабки 17,74 ва 18,01 % дан 57,42 ва 62,50 %, ишқорий экстракт билан ўзаро таъсирлашувда 70,00 ва 65,47%, сувли экстракт билан ўзаро таъсирлашувда 43,98 ва 44,37% ортишини кўрсатди.

Жадвал 4

**Органик ўғитлардан ажратиб олинган ишқорий ва сувли экстрактлардаги турли органик кислоталар миқдори**

Органик кислоталар	Органик кислоталар таркиби (%)	
	Ишқорий экстракт	Сувли экстракт
Аспарагин кислотаси	0,1095	0,0865
Глутамин кислотаси	0,1689	0,1142
Серин	0,0578	0,0356
Глицин	0,0612	0,0489
Аспарагин	0,0067	0,0047
Треонин	0,0511	0,0398
Аргенин	0,0054	0,0041
Аланин	0,0856	0,0632
Пролин	0,0051	0,0032
Тирозин	0,0285	0,0212
Валин	0,0268	0,0195
Гистидин	0,0089	0,0062
Лейцин	0,0685	0,0458
Фенилаланин	0,0277	0,0312
Триптофан	0,2347	0,1587
Лизин	0,0622	0,0482

Натижалардан кўриниб турибдики ўзлашувчан шаклдаги фосфорни ортиши бўйича энг юқори кўрсаткичлар ишқорий экстрактдан фойдаланилганда олинди. ГК, ФХ ва уларнинг таъсирлашув маҳсулотлари, ФХ органик ўғит сувли ва ишқорий экстрактлари билан таъсирлашуви маҳсулотлари қаттиқ фазасини ИК-спектроскопик ва рентгенографик тадқиқотлари ўтказилди натижалар ГК ва ФХ орасида моно - ва дикальцийфосфат, кальций гумати ҳосил бўлиши билан реакция боришини тасдиқлади.

ФХ хар хил йирикликдаги заррачалари (-0,16; -0,25+0,16; -0,5+0,25; -1+0,5; -3+2; -2+1; -5+3 мм) билан компостлар тайёрланганда хом ашёдаги умумий  $P_2O_5$  ни ўсимлик ўзлашадиган шаклга ўтиш ва гўнгдаги органик моддаларни гумификацияланиш жараёнлари ўрганилди. ФХ дисперслиги қанча юқори бўлса компостларда  $P_2O_5$  ни нисбий ўзлашувчан шакли шунча юқори бўлиши аниқланди. Энг кўп  $P_2O_{5\text{ўзл.}}$  трилон Б ва лимон кислотаси бўйича 58,72 и 69,72% мос равишда ФХ заррачалари 0,16 мм кичик бўлганда кузатилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари компостлаш давомийлиги ошиши билан компостларда ГК, ФК ва СЭОМ миқдорлари ошишини, ушбу кислоталарни фосфоритлар билан таъсирлашуви натижасида эса фосфорнинг ўзлашувчан шакллари хам ортиб боришини кўрсатди.

Диссертациянинг “**Нитрат ва сульфат кислотада фаоллаштирилган фосфорит хом ашёси, қорамол гўнги, парранда чиқиндиси ва фосфогипс асосида органик минерал ўғитлар**” учинчи бобида нитрат ва сульфат

кислотада ФФХ ва ҚГ асосида азот-фосфор-гумусли ўғитлар, ҚГ ва фосфогипс асосида сульфат-гумусли ўғитлар, ҚГ, ПЧ, ФХ ва турли минерал ўғитлар асосида комплекс ГЎ олиш натижалари, шунингдек юқорида келтирилган ГЎ олишни тажриба синов натижалари келтирилган.

